

АБУ БАКР МУҲАММАД ИБН АҲМАД САРАХСИЙНИНГ “МАБСУТ” АСАРИ

Р.М.Кенжабоева

Иломшунослик фанлари бўйича

фалсафа доктори (PhD)

Ислом оламининг машҳур фақиҳларидан бўлмиш Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Сарахсий қаламига мансуб “Мабсут” асари Мовароуннаҳрда ёзилган йирик фикҳий манбалардан саналади. Сарахсий кўп ўринларда “Соҳибу-л-Мабсут” номи билан тилга олинади¹. Сарахсийнинг бу китобига машҳур олим Абу Фазл Муҳаммад ибн Аҳмад Марвазийнинг (ваф. х. 334 й.) “Кофий” асари асос бўлган. “Мабсут”да турли фикҳий масалаларни таҳлил этишда машҳур уламоларнинг фикрларидан фойдаланилган. Абу Ҳанифа, Имом Молик, Абу Юсуф, Муҳаммад ибн Ҳасан, Имом Шофиъий, Ҳасан ибн Зиёд, Хассоф, Ҳилол кабилар шулар жумласидандир. “Мабсут” асарининг қаламга олиншига сабаб бўлган ушбу воқеа машҳурдир: Имом Муҳаммад Шайбоний Имом Аъзамнинг дарс ҳалқаларида берган фатво, ижтиҳод ва изоҳларини ёзиб борар эди. Бу ёзувлар вақт ўтиб Имом Муҳаммад томонидан “Мабсут”, “Ал-жомиъу-л-кабир”, “Ал-жомиъу-с-соғир”, “Ас-сияру-л-кабир”, “Ас-сияру-с-соғир”, “Зиёdot”, “Зиёdotу-з-зиёdot” номлари билан китоб қилинди. Тавотур даражасида нақл қилинган мазкур китоблар зоҳиру-р-ривоя² деб ҳам номланади. Бу китоблар жуда катта ҳажмли бўлгани учун Ҳоким Шаҳид Марвазий уларни қисқартириб “Кофий” (“Мухтасар”) асарини ёзган. Сарахсий эса бу китобнинг жуда қисқалиги учун тушунарсиз эканини ҳисобга олиб “Мабсут”ни ёзган. Тадқиқотчилар “Мабсут”нинг “Кофий”га ёзилган шарҳ эканини таъкидлашган. Бироқ “Мабсут” фақат “Кофий”нинг шарҳи эмас. Муаллифнинг асарда ишора қилган сўзларидан, “Мабсут” Имом Муҳаммад Шайбонийнинг асарларига ёзилган шарҳ эканини тушуниш мумкин. Бу китобнинг юқорида таҳлил қилинган “Ҳидоя” ва “Бадоиъу-с-саноиъ” асарларидан кўра анча йирик ҳажмли экани ва унда фикҳий масалаларга анча чуқур ёндошилгани ҳам шу билан боғлиқдир.

¹ Кори Али ибн Султон Муҳаммад. “Ал-асмор ал-жанийя фи асмоъ ал-ханфийя”. – Бетна: “Худобахш”, 2002. – Б. 268.

² Зоҳир ар-ривоя – Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва Имом Муҳаммаднинг кучли қавллари. <https://islom.uz/maqola/12946>

“Мабсут” ислом ҳуқуқига оид масалалар бетарафлик асосида тизимли таҳлил қилинган илк асардир. Мужтаҳидларнинг фикрлари, далиллари ва бу далилларнинг санади, улардан ҳукм чиқаришда қўлланган асос, қарши фикр билдирганларнинг фикрлари ва асослари тизимли равишда бериб борилган. Асосан Абу Ҳанифанинг фикр ва далилларини келтирган бўлса-да, муаллиф баъзи ўринларда ўз фикрини ҳам баён этган. Муаллиф мавзуларни классик асосда тартибга солган. Бир мавзуни ёритаётиб бошқа мавзуга ҳам боғлаб шарҳлар тақдим этган. Ҳар бир мавзу охирида шу мавзу билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда қўлланган принципларни, улар асосида олинган натижаларни қаламга олган. Бу усул бошқа мавзулар қаторида вақф бобида ҳам ўз аксини топган. Вақф боби бошқа барча замондош фикҳий китобларга нисбатан ниҳоятда кенг ва батафсил ёритилган.

